



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 30 - Mart

588u -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Сафаров Олломберди
Жуманиёзовичнинг турар жой биносига
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш
тўғрисида

Боғот тумани “Қипчоқ” маҳалласида яшовчи фуқаро Сафаров Олломберди Жуманиёзовичнинг “Қипчоқ” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 4 февралдаги ШЯ-С-427-сонли аризасини, “Қипчоқ” маҳалласи фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2021 йил 2 февралдаги 259-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Боғот тумани “Қипчоқ” маҳалласида жойлашган 10 (ўн)та хонадан иборат, яшаш хоналари 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 88,50 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 6 (олти)та бўлиб, ички ўлчами 196,65 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 285,15 квадрат метр, қурилиш ости майдони 372,80 квадрат метр, умумий ер майдони 1350,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Сафаров Олломберди Жуманиёзовичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Сафаров Олломберди Жуманиёзовичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси

“Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳукуки тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Сафаров Олломберди Жуманиёзовичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев